



ТАСДИҚЛАЙМАН

Асака тумани Ободонлаштириш бошқармаси  
бошлиғи В.Паршиев

12.10.2022 йил

Асака тумани Ободонлаштириш бошқармаси тасаруфидаги Элашқипчок мфй Андавой кучасини жорий тамирлаш ишлари учун лойиха сметасини тайёрлаш

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Ишгирикчилар учун маълумотлар
1	Объект номи	Асака тумани Ободонлаштириш бошқармаси тасаруфидаги Элашқипчок мфй Андавой кучасини жорий тамирлаш ишлари учун лойиха сметасини тайёрлаш
2	Буюртмачи	Асака тумани Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун асос	Асака тумани Ободонлаштириш бошқармаси тасаруфидаги Элашқипчок мфй Андавой кучасини жорий тамирлаш ишлари учун лойиха сметасини тайёрлаш
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Асака шаҳар Сохил Бўйи кўчаси 8а уй
5	Ўрнашувчилар учун талаблар	Лойиха смета ҳужжатларини сифатли вақтда муддатларда бажариш ва ўз вақтида топшириш.
6	Тижорат таклифи тақдим этиш шартлари	Ташкилот низоми ва рўйхатдан ўтказилган тўрида гувоҳнома солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарз йўқлиги тўрида қайси турдаги солиқтўловчи эканлиги тўрида ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тўрида пудратчининг қурилиш вазирлиги маҳсуе электрон порталда рейтинг мавжудлиги тўрида инженер ва техник ходимлар тўрида маълумотлар тақдим этиши шарт
7	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос ҳолда тўланади
8	Иш тури	Лойиха смета ҳужжатларини сифатли бажариш
9	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб олдидан 30% тўлов ўтказилгандан сўнг 10 кун муддат ичида бажариш
10	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши шарт
11	Молниялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан
12	Бажариладиган ишлар қиймати	24 000 000 (йигирма миллион ) сўм



## **XALQ DEPUTATLARI ASAKA TUMANI KENGASHI QARORI**

**Asaka tuman, Sohil bo'yi ko'chasi, 2-uy**

2022 - yil 7 - oktabr

VI-41-95-1-17-K/22

Asaka tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги ҚҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, Асака тумани бўйича 2022 йил август-сентябрь ойларида жамоатчилик фикри асосида шаклланган ғолиблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан депутатлар назоратини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги ҚҚ-213-IV-сонли қарорларига асосан туман Кенгаши қошида шакллантирилган ишчи гуруҳи Асака тумани учун ажратилган белгиланган маблағни тўғри сарфланиши йўлида фаолият олиб бориб, кўрсатилган тартибда “Очиқ бюджет” портали орқали лойиҳалар учун овоз бериш жараёнини ташкил қилган. Овоз бериш натижалари бўйича ғолиб деб топилган лойиҳалар ажратиб олинган. Масала “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни

амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” комиссиясида жараёни бевосита назорат қилиш учун фаолият олиб борган ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилган ва танлаб олинган 8 та лойиҳани Кенгаш тасдиғига киритилиши белгиланган.

Доимий комиссия ўрганишлари, шунингдек, ҳудуд депутатларининг аҳоли билан ўтказилган учрашув суҳбатлари, ўтказилган таҳлиллари давомида “Очиқ бюджет” лойиҳасига ажратилган маблағларнинг асосий қисми учун овозлар ижтимоий соҳа ташкилотлари томонидан тўпланаётганлиги, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинларида узоқ вақтлардан буён муаммо бўлиб келаётган ичимлик суви, электр таъминоти, газ таъминоти, ички йўлларни асфальтлаш ва бошқа муаммоларни ҳал этишни имкони бўлмаётганлиги сабабли депутатлар томонидан ажратилаётган маблағларни тақсимлаш, яъни маълум миқдорини ижтимоий соҳалар учун, маълум миқдорини маҳалладаги муаммолар учун ажратиш ва шу ҳолатда овоз бериш жараёнини ўтказиш таклифини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига киритиш таклифи билдирилди.

Юқоридаги “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” комиссияси ва ишчи гуруҳининг хулосаларига асосан, халқ депутатлари Асака туман Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Очиқ бюджет» ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 24 август кунидан 17 сентябрь кунига қадар, овоз бериш жараёнлари ўтказилганлиги, ушбу жараёнда 189 та таклифлардан 1-иловага мувофиқ 8 таси энг кўп овоз тўплаган ҳолда голиб деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Голиб деб топилган 8 та таклифларга 7 млрд 510 млн сўм маблағни молиялаштириш бўйича 2-иловага мувофиқ манзилли дастур тасдиқлансин.

3. Туман молия бўлими ҳамда туман ғазначилик бўлиmidан “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси маблағлари ҳисобидан манзилли дастурга асосан маблағларни тегишли тартибда ажратилишини таъминлаши сўралсин.

4. Ушбу қарорга асосан “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан мақсадли сарфланиши таъминлансин.

5. Ишчи комиссия (О.Зайнобидинов)га ҳар чорак якуни бўйича Халқ депутатлари туман Кенгашига амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин. Шунингдек, Асака туман ҳокимлиги матбуот хизмати, маҳаллий телевиденияларга жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш тавсия этилсин.

6. Ҳудуд аҳолиси томонидан билдирилаётган эътирозларни инобатга олган ҳолда “Очиқ бюджет” лойиҳасига ажратилаётган маблағларни икки қисмга ажратиш, хусусан ижтимоий соҳалар ва маҳалладаги муаммолар учун йўналтириш ва овоз бериш жараёнини шу тартибда ўтказиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига киритилсин. Бу борада доимий комиссия раиси ва аъзолари ҳамда тажрибали депутатлар фаоллиги янада оширилсин.

7. Мазкур қарор ижроси ва назорати “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссия раиси Б.Абдурасулов ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Зайнобидинов зиммаларига юклатилсин.

8. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сессия раиси



М.Саримсоқов

Xalq deputatlari Asaka tuman Kengashining  
2022 yil 7 oktabrdagi  
VI-41-95-1-17-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Ташаббусли бюджет 2022 йил 2-босқич жараёнида энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган ташаббуслар бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

№	Билдирилган таклифлар	ID рақами	Жойлашган маҳалласи	Овозлар сони	Ташббус-кор	Амалга ошириш қиймати (минг сўм)
1	КТМПни моддий техника базасини мустахкамлаш, замонавий электрон поликлиникага айлантириш ва тиббий жихозлар	0390600177	Амир Темур	7 193	Эрматов Мухаммадфарход	1 200,0
2	Элашқипчоқ МФЙ Андавой маҳалласи ички кўчаларини асфальташ	0390600051	Элаш-қипчоқ	5 611	Мўминов Нозимжон	1 200,0
3	Учтош МФЙ Тошхирмон ҳамда Юқори Қадим кўчаларини боғловчи ички кўчани ҳамда уларга туташ кўчаларни асфальташ	0390600110	Учтош	5 458	Нозимжон Махаммаджонов	1 100,0
4	Юқумли касалликлар шифохонасини мукамал таъмирлаш	0390600181	Қашқар	4 971	Батиржон Таджибаев	900,0
5	Қадим МФЙ ички кўчаларини асфальташ	0390600020	Қадим	4 599	Иномжон Абдураззақов	1 200,0
6	Асака тумани 29-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш	0390600154	Арғин	3 512	Муборакхон Тожибоева	560,0
7	Асака тумани 34-ИДУМга фаоллар зали куриш	0390600112	Қадрият	2 691	Мухаммадсодиқ Мухаммадалиев	850,0
8	Тиббийёт бирлашмаси 1-туғруқ уйига кутиш зали куриш	0390600178	Қашқар	2 606	Шерзодбек Камолов	500,0
	<b>ЖАМИ</b>					<b>7 510,0</b>



Xalq deputatlari Asaka tuman Kengashining  
2022 yil 7 oktabrdagi  
VI-41-95-1-17-K/22-son qaroriga  
2-ilova

“Ташаббусли бюджет” 2022 йил 2-мавсувида ғолиб бўлган таклифларни амалга ошириш бўйича

### МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

(млн сўмда)

№	Ташаббус ID рақами	Манзили ва балансда сақловчи	Амалга ошириладиган тадбир қисқача мазмуни	Амалга ошириш дастлабки қиймати жами	Товар ва иш-хизматлар (пудрат) харажатлари	Лойиха ва экспертиза харажати	Буюртмачи ташкилот
1	0390600177	Амир Темура МФЙ Тиббиёт бирлашмаси	КТМПни моддий техника базасини мустахкамлаш, замонавий электрон поликлиникага айлантириш ва тиббий жихозлар	1 200,0	1 200,0	0,0	Тиббиёт бирлашмаси
2	0390600051	Элаш-қипчоқ МФЙ Ободонлаштириш	Элашқипчоқ МФЙ Андавой маҳалласи ички кўчаларини асфальташ	1 200,0	1 176,0	24,0	Ободонлаштириш бошқармаси
3	0390600110	Учтош МФЙ Ободонлаштириш	Учтош МФЙ Тошхирмон ҳамда Юқори Қадим кўчаларини боғловчи ички кўчани ҳамда уларга туташ кўчаларни асфальташ	1 100,0	1 078,0	22,0	Ободонлаштириш бошқармаси
4	0390600181	Қашқар МФЙ Тиббиёт бирлашмаси	Юқумли касалликлар шифохонасини мукамал таъмирлаш	900,0	882,0	18,0	Тиббиёт бирлашмаси



5	0390600020	Қадим МФЙ Ободонлаштириш	Қадим МФЙ ички кўчаларини асфальтлаш	<b>1 200,0</b>	1 176,0	24,0	Ободонлаштириш бошқармаси
6	0390600154	Арғин МФЙ Халқ таълими бўлими	Асака тумани 29-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш	<b>560,0</b>	548,8	11,2	Халқ таълими бўлими
7	0390600112	Қадрият МФЙ Халқ таълими бўлими	Асака тумани 34-ИДУМга фаоллар зали қуриш	<b>850,0</b>	833	17	“Ягона буюртмачи хизмати” ДУК
8	0390600178	Қашқар МФЙ Тиббийёт бирлашмаси	Тиббийёт бирлашмаси 1- туғруқ уйига кутиш зали қуриш	<b>500,0</b>	490	10	“Ягона буюртмачи хизмати” ДУК
	<b>Жами</b>	<b>Х</b>	<b>Х</b>	<b>7 510,0</b>	<b>7383,8</b>	<b>126,2</b>	<b>Х</b>